

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎЛЛАШ

фанидан лаборатория машғулоти учун методик қўлланма

Билим соҳаси: 100000 – Таълим

Таълим соҳаси: 140000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани

**Бакалавриат йўналиши: 5140900 – Касб таълими (5220700–Технологик
машиналар ва жиҳозлар)**

**5520600 - Машинасозлик технологияси,
машинасозлик ишлаб чиқаришлари
жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш)**

5142000 – Меҳнат таълими

Тошкент - 2007

Методик қўлланмада Касб танлашга йўллаш фанидан лаборатория машғулотлари ишланмалари жамланган. Қўлланма 5140900 – Касб таълими (5220700–Технологик машиналар ва жиҳозлар, 5520600 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш, 5142000 – Мехнат таълими бакалаврият йўналиши давлат таълим стандарти, мутахассислик ўқув режаси ҳамда намунавий дастури асосида тайёрланган бўлиб, унинг мазмунини ишлаб чиқишда ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим тизими ўртасида узвийликни таъминлаш масалалари бош ғоя сифатида қаралган.

Низомий номидаги ТДПУ Касб таълими факультети декани,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Н.А.Муслимовнинг умумий таҳрири остида

Тузувчилар:

- | | |
|-----------------------|---|
| Ш.С.Шарипов | – Низомий номидаги ТДПУ «Касб таълими методикаси» кафедраси мудир, п.ф.н., доцент |
| Р.Б.Шоназаров | – Низомий номидаги ТДПУ «Касб таълими методикаси» кафедраси катта ўқитувчиси |
| О.А.Қўйсиров | – Низомий номидаги ТДПУ «Касб таълими методикаси» кафедраси ўқитувчиси |
| Г.Насриддинова | – Низомий номидаги ТДПУ «Касб таълими методикаси» кафедраси ўқитувчиси |

Такризчилар:

- | | |
|--------------------|---|
| Ў.Қ.Толипов | – ЎзПФТИ директор ўринбосари, п.ф.д., профессор |
| Р.Г.Исханов | – Низомий номидаги ТДПУ «Техника фанлари» кафедраси доценти, п.ф.н. |

Методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган

2007 йил «___» _____ даги _____ -сонли мажлис баёни

К И Р И Ш

Касб танлашга йўллаш машғулотларининг мақсади ўқувчиларга касбни тўғри танлашга, энг аввало уларнинг ҳар бири ўз шахсий сифатларига мос касбни топиб олишида ёрдам беришига қаратилади. Машғулотлар шундай ташкил этилмоғи керакки, уларда ўқувчилар касблар олами ва меҳнат фаолиятининг турлари билан танишибгина қолмай, ўзларини ишлаб чиқариш жараёнининг асосий иштирокичиси сифатида баҳолаш имконига эга бўлсин.

Бунинг учун уларни касбларнинг таснифлари, типлари, туркумлари, бўлим ва гуруҳлари, касбий фаолиятнинг шахс сифатларига, хусусиятларига қўядиган талаблари, касблар, касбий режаларнинг шаклланиш босқичларига доир маълумот манбалари тўғрисидаги, шахсда касб билан боғлиқ муҳим касбий фазилатлар ривожланишида ўзини-ўзи тарбиялашнинг аҳамияти, ишчи касбини эгаллаш йўллари, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш тизими ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш лозим. Бундан ташқари ўқувчиларни шахснинг касбга яроқлилигини олдиндан белгиловчи индивидуал хусусиятлар (қизиқиш, майл, умумий ва алоҳида қобилиятлар) билан, шунингдек, уларнинг касб танлашдаги аҳамияти билан таништириш керак.

Таълим жараёнида ўқувчиларда касблар оламини мустақил ҳолда билиш, танланаётган касбнинг талабларини ўз шахсий сифатлари билан қиёслаб олиш, ўз майли, қобилияти, саломатлиги танланаётган касбга мувофиқлигини, тўғри баҳолаш кўникмалари шаклланиши лозим. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир ўқувчи касбни тўғри танлашида, уни эгаллашнинг энг мақбул йўлини белгилаб олишида ёрдам беради.

1 - ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА КАСБЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Мақсад: Талабаларга "касб" тушунчасининг маъносини ёритиб бериш, уларни касбларнинг таснифлари билан таништириш. Талабаларга ҳар бир соҳа касбларининг жамиятда тутган ўрни ҳақида маълумот бериш. Касблар мазмунини тушунтириш талабаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш.

Машғулоти жиҳозлаш: Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи; мавзу бўйича плакатлар ва слайдлар.

Машғулоти режаси:

1. Умумий суҳбат жараёнида ижтимоий меҳнат тақсимоли тўғрисидаги тушунчани такрорлаш.

2. "Касб", "Мутахассислик" ва "Ихтисослик" тушунчаларини изоҳлаш.

3. ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари касблар ва мутахассисликлар коди бўйича таснифи, ишловчилар савиясига кўра тармоқ таснифи, касбларни меҳнат предмети, мақсадлари, шароитларига кўра таснифлашнинг умумий таърифи.

Методик тавсиянома

Касб-махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, унга жисмоний имконият, ақлий қobiliят ва юридик ҳуқуқларни таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг (машғулотининг) туридир.

Кичик мутахассис – бу таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражасидир.

Кичик мутахассис:

- тегишли ижтимоий ишлаб-чиқариш соҳасида унинг унумли фаолият кўрсата олишини таъминлайдиган назарий ва амалий билимлар мажмуасига, касбий билим, малака ва кўникмаларга эга;

- мазкур жамиятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданиятга, ижтимоий аҳамиятли хусусиятларга ва шахсий сифатларга эга.

Ихтисослик – бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

Тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликларнинг умумдават таснифлагичи (ТЙКМУТ) – ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида кичик мутахассислари тайёрлаш бўйича тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари касблар ва мутахассисликлар коди – касбий фаолият соҳаларига мувофиқ касблар ва мутахассисликлар бўйича тайёрлов йўналишлари ихтисослаштирилган рўйхатининг рақамли белгисидир.

Кодда биринчи учта рақам касбий фаолият соҳаларини ифодалайди.

- 010 – соноат;
- 020 – транспорт;
- 030 – алоқа;
- 040 – қурилиш;
- 050 – уй-жой коммунал хўжалиги;
- 060 – қишлоқ ва ўрмон хўжалиги;
- 070 – соғлиқни сақлаш;
- 080 – маориф;
- 090 – маданият ва санъат;
- 100 – ижтимоий-иқтисодий соҳа;
- 110 – савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари.

Мустақил иш:

- 1) ЎМКХТ даги тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи билан танишиш.
- 2) "Касб", "Мутахассислик" ва "Ихтисослик" атамаларига талабалар ўз тушунчалари асосида таъриф берадилар.
- 3) ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари касблар ва мутахассисликлар коди бўйича ажратилган ҳар бир соҳаларни мазмунини ёритадилар.
- 4) Ҳар бир соҳадаги касблар ҳақида маълумот берадилар.
- 5) Ўзлари танлаган бирор касбни чуқур таҳлил қиладилар.

2-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: КАСБЛАРНИНГ ТИПЛАРИ

Мақсад: Талабаларни касбларни меҳнат қуроллари бўйича таснифлаш кўникмаси билан қуроллантириш. Муайян типдаги касбга мойилликни аниқлаш. Ўз касбий мавқеини белгилаш муаммосига қизиқишни ошириш.

Машғулотларни жиҳозлаш. "Ўз майлларини баҳолаш картаси"; ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи; мавзу бўйича плакатлар ва слайдлар.

Машғулот режаси:

1. Талабаларнинг касбларини таснифлаш тўғрисидаги билимини текшириш.
2. Касбий фаолият соҳасини аниқлаш мақсадида талабаларни ўз майлларини баҳолаш картаси бўйича анкеталаш.
3. Касбларнинг 5 та типини: «одам-одам»; «одам-техника», «одам-белгилар тизими»; «одам табиат»; «одам-бадий образ»ни қисқача тушунтириш. Бунда талабалар ҳар бир типдаги касбларга мисоллар танлайдилар.
4. Умумий суҳбат давомида талабаларнинг таълим муассасаси атрофидаги ишлаб чиқариш корхоналарида энг кўп тарқалган ҳар хил типдаги касбларга оид билимларни мустаҳкамлаш.

Методик тавсиянома

Меҳнат предметига қараб барча касблар бешта типга бўлинади.

1. “Одам-табиат”. Бу ерда меҳнатнинг асосий, етакчи предмети – жонли табиатдир. Бу типга, масалан, қуйидаги касблар киради: Уруғшунос, мева-сабзавотшунос, зоотехник, агроном.
2. “Одам-техника”. Бундай касблар типда меҳнатнинг асосий етакчи предмети – техника объектлари (машиналар, механизмлар ва бошқа шунга ўхшашлар), материаллар, энергия турларидан иборат бўлади. Жонсиз табиат объектлари (Ер ости бойликлари, тупроқ, сув, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) ҳам кўп жиҳатдан шуларга ўхшаган бўлади. Бу типдаги касбларга қуйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин: инженер-геолог, тикувчи-моторист, инженер-технолог, токар, пайвандловчи, инженер – механик.
3. “Одам-одам”. Бу ерда асосий меҳнат предмети одамлардир. Мазкур меҳнат соҳасида майллар, қизиқишлар қай даражада эканини аниқлашда ўқув предметларидан ташқари сиз шахсан ўзингиз жамоат ишларида, жамоавий равишда ўтказилган тадбирларни ташкил этишда иштирок этиб ортирган тажрибангиз ҳам ёрдам беради. Бу типга кирадиган қуйидаги касбларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ўқитувчи, тарбиячи, сартарош, врач ва бошқалар.
4. “Одам-белгилар тизими”. Касбларнинг бу типда шартли белгилар, рақамлар, кодлар, табиий ёки сунъий тиллар асосий етакчи меҳнат предмети ҳисобланади. Ҳозирги замон кишиси белгилар ва белги тизими дунёсида – матнлар, чизмалар, схемалар, хариталар,

жадваллар ва формулалар, йўл белгилари ичида яшайди. Бинобарин, буларнинг ҳаммасини биладиган тегишли мутахассислар ҳам зарур. Бу типдаги касблар қуйидагиларни ўз ичига олади: таржимон, котиба-машинистка, телеграф ходими, техник муҳаррир ва бошқалар.

5. “Одам-бадий образ”. Касбларнинг бу типда бадий образлар, уларнинг тузилиш усуллари етакчи меҳнат мпедмети ҳисобланади. Бу ерда қуйидаги касбларни ажратиб кўрсатиш мумкин: рассом, оркестр артисти, театр артисти, эстрада артисти.

Мустақил иш:

1. Касб типлари ҳақида маълумотга эга бўлиш.
2. Талабалар индивидуал тарзда касбларни меҳнатнинг мақсади, воситалари, шароитлари бўйича таснифлаши керак.
3. Касбларни "одам-техника", "одам-одам", "одам табиат"; "одам-белгилар тизими"; "одам-бадий образ" типларини ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисослик таснифлагичи ёрдамида ажратиш.

Одам-одам	Одам-табиат	Одам-техника	Одам-бадий образ	Одам-белгилар тизими

3-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: КАСБЛАРНИНГ ТУРКУМЛАРИ, БЎЛИМЛАРИ, ГУРУХЛАРИ

Мақсад: Талабаларга касбларнинг туркумлари, бўлимлари, гуруҳлари ҳақида маълумот бериш. Ўқувчиларни ўз шахсий сифатларини касбнинг инсонга қўядиган талабларига мувофиқлаштириш муаммоси билан таништириш.

Машғулоти жиҳозлаш: ЎМКХТ даги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи; мавзу бўйича плакатлар ва слайдлар.

Машғулоти режаси:

1. Касбларни меҳнатнинг мақсади, воситалари ва шароитлари бўйича таснифлаш тўғрисида сўзлаб бериш.
2. Касб формуласини тузиш қондасини тушунтириш.
3. Талабаларнинг ўқув муассаси база корхонаси, ўқув ишлаб чиқариш корхонаси мисолида бир неча касблар формуласини тузиш бўйича мустақил иш.
4. Мустақил ишни текшириш.

Методик тавсиянома

Меҳнатнинг мақсади одам фаолияти мазмунининг муҳим характеристикаси ҳисобланади. Меҳнатнинг мақсадлари хилма-хил бўлишига қарамасдан, уларни ўрта катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Гностик касблар. Бу касбларнинг номи латинча “гнозис” - билим, билиш деган маънони англатувчи сўздан олинган. Билиш, ўрганиш меҳнати билан боғлиқ бўлган кўпгина касблар мавжуд бўлиб, улар билан юевосита моддий ишлаб чиқариш жараёнида шуғулланишга тўғри келади. Масалан, техник назоратчи, санитария врачлари, адабий танқидчи.
2. Ўзгартирувчи касблар. Жуда кўп касблар меҳнат предметларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлади. Одамнинг ўзгартирувчи фаолияти фақат буюмларгагина қаратилиб қолмай, шу билан бирга энергия турларига, информацияларга, жараёнларга, ижтимоий ҳаётнинг тузилишига қаратилган бўлиши мумкин. Мисол, озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчиси, болалар боғчасининг тарбиячиси.
3. Тадқиқотчилик касблари. Меҳнатнинг мақсади – қандайдир бир номаълум нарсани, бунинг устига кўпинча чекланган вақт шароитида қидиришдан иборат бўлади. Бу касбларга ательеда бичиқчи, архитектор ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Меҳнатнинг воситаларига қараб касблар 4 бўлимга бўлинади:


1. Қўл меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар. Мазкур касбларда асосий иш қуроли электр дрель, бўёқ пуркагичи, болға, отвёрка, скальпель ва бошқалар бўлиши мумкин.
2. Қўлда бошқариладиган машиналардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар. Уларни ҳам машинада, ҳам қўлда иш бажариладиган касблар дейиш мумкин – токар, фрезерчи, кран машинисти, тепловоз машинисти ва бошқалар анна шундай касблар каторига киради.

3. Автоматлаштирилган ва автоматик тизимлардан, аппаратлардан фойдаланиш билан боғлиқ касблар. Автоматлаштириш даражасига қараб ишлаётган кишининг зиммасига ҳар хил вазифа тушади.
4. Функционал воситалар, меҳнат қуроллари кўпроқ талаб қилинадиган касблар. Бу бўлимга: ўқитувчи, тарбиячи, диктор, актёр ва бошқа касбларни мисол келтириш мумкин.

Меҳнат шароитлари бўйича касблар 4 гуруҳга бўлинади.

1. Одатдаги (“маиший”) микроиклим шароитидаги меҳнат. Бухгалтер, чизмачи, ўқитувчи ва бошқалар мана шу касб гуруҳига киради.
2. Ҳарорат, намлик кескин ўзгариб турувчи очиқ ҳавода ишлаш билан боғлиқ бўлган меҳнат. Қурувчи, ўт ўчирувчи ва бошқалар бунга мисол бўла олади.
3. Одатдан ташқари меҳнат: ер остида, сув остида, баландликда, ҳавода, қайноқ цехларда, соғлиқ учун муқаррар зарарли таъсири бўлган цехларда ишлаш. Бундай касбга мисоллар: учувчи, шахтёр, ғаввос ва ҳакозо.
4. Одамларнинг соғлиғи, ҳаёти учун, катта-катта жамоат бойликлари, моддий неъматлар учун оширилган маънавий масъулият билан боғлиқ бўлган меҳнат. Ўқитувчи, врач, милиция инспекторлари, техника хавфсизлиги инженерлари ва бошқа касбларни мана шу гуруҳга киритиш мумкин.

Касб танлаш формуласи



Мустақил иш.

5. Касбларни соҳалар бўйича таснифланг.
6. Ҳар бир касбни тўлиқ таърифланг ва тавсифланг.
7. Касб туркумларига мисоллар келтиринг?
8. Касб бўлимлари ва гуруҳларига мисол келтиринг.
9. Касб танлаш формуласи асосида ўз касбингизни танланг.

Шифокор
1. Терапевт 2. Стоматолог 3. ...

Педагог
1. Педагог-муҳандис 2. Педагог-тарбиячи 3. ...

4-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: КАСБНИНГ ИНСОНГА ҚЎЯДИГАН ТАЛАБЛАРИ

Мақсад: Талабаларда касбнинг инсон шахсий сифатларига, ўзига хос хусусиятларига қўядиган умумий талаблари тўғрисидаги билимларни шакллантириш. Мукамал касбий режаларни тузиш кўникмаларини шакллантириш. Меҳнатга, меҳнат аҳлига ҳурматни тарбиялаш.

Машғулоти жихозлаш. "Касбни тўғри танлаш шартлари" схемаси; мавзу бўйича плакатлар ва слайдлар.

Машғулоти режаси.

1. Касб танлашда «зарур→уддалайман→ҳохлайман» принципга амал қилиш кераклигини тушунириш.
2. Муаммоли савол қўйиш: Касб танлашда "ҳохлайман", "уддалайман" ёки "зарур" қоидаларининг қайси бири муҳимроқ?
3. Талабаларни касбнинг одамнинг фуқаролик, маънавий сифатларига; маълумот даражасига, билим ва кўникмаларига, умумий ва махсус қобилиятига, саломатлигига қўядиган умумий талаблари билан таништириш бўйича суҳбат.
4. Талабаларнинг муаммоли саволга жавоблари. Савол-жавоб якунида мунозара натижаларининг "зарур" – жамиятнинг кадрларга эҳтиёжини; "уддалайман" – шахс тайёргарлик даражаси, қобилиятларнинг йўналишини, саломатлиги аҳволини; "ҳохлайман" – шахснинг қизиқиш ва манфаатларини ифодалаши тўғрисидаги хулосаларга қиёслаш.

Методик тавсиянома

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтиришнинг мазмуни, омиллари ҳамда тамойиллари уларни ўқув-тарбия тизимидаги барча йўналишлари билан чамбарчас уйғунлаштирилган ва узвий боғланган бўлиши лозим.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш меҳнатнинг интеграл жараёнидан иборат бўлиб, бунда уларга фан асосларини ўргатиш жараёнида меҳнатсеварликни тарбиялаш ва политехник таълим бериш асосида меҳнат таълими ва тарбиясини, тажриба орттириш билан боғлиқ ижодий ва ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш меҳнатини амалга ошириш тушунилади. Ушбу жараёнларда касб-ҳунарга йўналтириш билан меҳнат тайёргарлиги орасидаги боғлиқлик умумий тарзда диалектик характерга эга бўлиб, улар орасидаги янги иқтисодий муносабатларни ифодалайди ва таркибий қисмларга хос ҳуқуқий муносабатларни ифодалайди ва таркибий қисмларга хос ҳуқуқий асосларини акс эттиради.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракат жараёнларидан иборат бўлиб, бунинг натижасида улар меҳнат предметлари, восита ва жараёнлари ҳақидаги билимларини ҳамда маълум соҳадаги ишлаб

чиқариш меҳнати ва касбга йўналтириш амалий кўникма ва малакаларини эгаллайдилар, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига тезда қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатлари ҳамда тафаккурларини ривожлантирадилар.



Бунинг учун ёш авлодга касблар бўйича маслаҳат бериб бориш лозим.

Касблар бўйича маслаҳат — ёшларга касб танлашда ёрдам бериш мақсадида мутахассислар (психологлар, врачлар, педагоглар ва бошқалар) нинг маслаҳатлари ва тавсияларидир. Бизнинг мамлакатимизда шаҳарларда ва қишлоқ районларида касблар бўйича консультация, яъни касбга йўналтириш марказлари ташкил этилган, корхоналарда, ўқув юртларида, мактаблараро техник марказларда ва мактабларда касблар бўйича консультация пунктлари, касбга йўналтириш хоналари тузилган.

Касб консультацияси кишини ҳар томонлама ўрганиш асосида ундаги қизиқишлар, майллар, қобилиятлар ҳамда шахсдаги касб жиҳатидан муҳим бўлган айрим сифатларни аниқлаб ўрганишга қаратилгандир. Бундай консультациядан мақсад фаолиятнинг қандай соҳасида сиз муваффақиятли ишлашингиз мумкинлигини, яъни сиз қайси соҳада жамият учун максимал фойда келтиришингиз мумкинлигини ҳамда ўз меҳнатингиздан мумкин қадар кўпроқ қониқиш ҳосил қилишингизни олдиндан белгилаб беришдан иборат.

Айтайлик, шахсни ўрганиш вақтида олинган маълумотлар асосида консультант сизга бошқа бир касбни танлашни тавсия этади. У билан бирга сиз янги касбга домр план тўғрисида ўйлаб кўрасиз. Бўлғуси касбингизнинг бўлажак босқичларини белгилаб оласиз. Мабодо, сизнинг касбий режаларингиз бошқа кишиларнинг, масалан, ота-онангизнинг истаклари билан мос келмай қолса, у ҳолда маслаҳатчи бу муаммони ҳам ҳал қилишга уриниб кўради.

Юқорида санаб ўтилган касблар бўйича консультациянинг типлари бири-бири билан ўзаро маҳкам боғлиқдир. Бунда энг муҳими — ҳар қандай касб консультацияси сизга ўз индивидуал хусусиятларингизни яхшироқ билиб олишда, ўз олдингизга қўйган мақсадга эришиш учун қандай фазилатларни ривожлантириб ва ўрнини тўлдириб бориш зарурлигини аниқлаб олишда ёрдам беради.



Агар сиз касблар бўйича маслаҳат олишни истасангиз, бунга сиз олдиндан тайёргарлик кўриб боришингиз керак: ўзингизни қизиқтирган саволларни ўйлаб кўришингиз керак, касб танлаш бўйича ўқитувчиларингиз берган маслаҳатларга ҳам қулоқ солиб мулоҳаза қилиб кўришингиз зарур; бу масаланинг психологик томони ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга сиз ҳар бир маслаҳатга диққат-эътибор билан қарашингиз ва бундан тўғри, пухта хулосалар чиқариб олмоғингиз керак.

Мустақил иш:

1. Нима учун касб танлашда ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олиш зарур?
2. Сиз яшаётган иқтисодий ҳудудда танлаётган касбингизга эҳтиёж қандай?
3. Ҳар бир касб типига мос келувчи бешта касбни танлаб, унинг мисолида касбни эгаллаш учун инсондан қандай жисмоний, ақлий, физиологик гигиеник талаблар қўйилишини изоҳлаб беринг.

5-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: КАСБ ТАНЛАШДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ТИПИК ХАТОЛАР

Мақсад: Талабаларга касб танлашда йўл қўйиладиган хатоларни тушунтириш ҳамда ўз касбий режасини таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш.

Машғулоти жиҳозлаш: "Касб танлашда йўл қўйиладиган типик хатолар" схемаси ва мавзу бўйича слайдлар.

Машғулоти режаси:

1. «Менинг касб танлаш тарихим» мавзусида анкета сўрови ўтказиш.
2. Шу асосда касб танлашда учрайдиган асосий хатолар ва қийинчиликларни изоҳлаш.
3. Касб танлашда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг сабабларини таҳлил қилиш.
4. "Касбнинг инсонга қўядиган талаблари" мавзуси бўйича ўқувчилар билимини текшириш. Текшириш карточкалар бўйича ёзма тарзда ўтказилиши ёки тест саволларига жавоб тарзда бўлиши мумкин.

Методик тавсиянома

Касбни шундай танлаш керакки, келгусида бажарадиган ишингиз ўзингизда қониқиш ҳосил қилсин ва жамиятга фойда келтирсин. Қуйида биз касб танлаш вақтида ҳаммадан кўпроқ учраб турадиган хатоларнинг сабаблари устида тўхталиб ўтамиз.

1. *Ўқувчиларнинг танлаган касблари юзасидан тўла ахборотга эга бўлмасдан, ўз олдларига бирданига олий малака талаб қилувчи юксак касбни эгаллашни мақсад қилиб қўйишлари.* Инсон келгусида ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлиб етишиши учун ўз меҳнат фаолиятини нимадан бошлаши тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмоғи керак.

2. *Ўқувчиларнинг касблар нуфузли ёки нуфузсиз бўлади деган хато тушунчага эга бўлишлари* касб танлашдаги ҳаққонийликни бузилишига олиб келади. Бу борадаги хатоликларга йўл қўймаслик учун ўқувчиларда касбларнинг ёмони бўлмаслиги, Ҳар қандай соҳада етукликка эришиш аввало инсоннинг ўзида мужассам бўлган сифатларга боғлиқ эканлигини англаб етишларига кўмаклашиш талаб этилади.

3. *“Шериклардан орқада қолмаслик учун” касб танлаш.* Бу борадаги хатоликларни баратараф этиш учун ўқувчиларга у ёки бу касбни танлашда биринчи ёки охири бўлишдан кўра ўз қизиқишлари, қобилиятлари ҳамда саломатлигига мос келадиган касбни танлаши аҲамиятлироқ эканлигини тушунтириш лозим.

4. *Бирор касб эгаси бўлган кишига қаратилган муносабатни касбнинг ўзига қўчириш.* Ҳар бир инсонни касбга бўлган муносабати, касбнинг меҳнатига бўлган муносабати турлича бўлади. Масалан, агар ўқувчи шоферлик касби эгалари қиёфасида доимо автомобилда хуш кайфиятда хизмат вазифаларини бажариб юрадиган инсонларни тасаввур қилади. Бироқ, ҳар қандай касбда бўлгани каби, шоферлик касбининг ҳам кўплаб қийин ва мураккаб,

машаққатли томонлари борлигини ўқувчилар ҳар доим ҳам тасаввур қилавермайди.

5. *Касбнинг фақат ташқи ёки хусусий бир жиҳатига қизиқиши* ўқувчини кўп муаммоларга олиб келади. Жумладан, касб танлаш формуласига кўра ўқувчида мавжуд бўлган қобилият ва саломатлиги ўзаро мос келмаслиги мумкин. Касб танлашда ҳал қилиниши лозим бўлган ҳар қандай масалага комплекс ёндашиш, муаммонинг барча қирраларини ўзаро мужассам ҳолда тасаввур қилиш ҳамда унинг талабларини Ҳар томонлама қондирадиган ечимни топиш муҳим аҳамият касб этади.

6. *Ўқув предметининг касбга тенглаштирилиши.* Ўқувчилар баъзида ўзлари ёқтирган, энгли ўзлаштирадиган ўқув фанини келажакда эгаллайдиган касби билан узвий давомийликда тасаввур қиладилар. Бироқ, яхши маълумки, ўқувчи ҳар қандай касбни эгаллаш учун ўзида кўплаб ўқув фанларини мужассам этган ва бундан ташқари таълим жараёнининг зарурий компоненти сифатида талаб этиладиган кўплаб бошқа машғулотларни ўз ичига олувчи касбий таълим жараёни ўтаганидан кейингина муайян касб эгаси бўлиб етишади. Бу борада ўқувчиларни касбий таълим жараёнининг моҳияти билан тўлароқ таништирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

7. *Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатнинг ҳарактери тўғрисидаги эски тушунчалар.* Уларни бартараф этиш – мактаб ёки коллежларнинг иқтисодий жиҳатдан салоҳиятли ҳомийларни жойлардан қидириши, меҳнат ва касб таълим жараёнини ишлаб чиқаришга йўналтириб, фойда берадиган омилларни ўрганиб даромад оладиган ҳолатга келтиришга оид тадбирларни тўғри ташкил этишига боғлиқ.

Мустақил иш:

1. Касб танлашда йўл қўйиладиган типик хатолар нималардан иборат.
2. Касб танлашда атроф-муҳит шарт-шароитлар асосида қилинадиган хатолар нималардан иборат?
3. Ўқувчиларнинг касб танлашларида қўйиладиган хатоликларга уларнинг нотўғри фикр юритишларининг таъсири.
4. Касб танлаш жараёнида йўл қўйиладиган хатоликларга моддий таъминотнинг аҳамияти.

6-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: ПРОФЕССИОНАЛ ҚИЗИҚИШ ВА МОЙИЛЛИКЛАР

Мақсад: Талабаларни «касбий қизиқиш», «мойиллик» тушунчалари билан таништириш. Анкета орқали сўров билан талабаларнинг қизиқишлар доирасини аниқлаш. Талабаларни билишга қизиқишини фаоллаштириш.

Машғулоти жиҳозлаш. Махсус қобилиятларнинг касб танлашга таъсири» жадвали, қизиқиши, майл ва қобилиятларнинг касб танлашга таъсири схемаси.

Машғулоти режаси:

1. Касб танлашнинг асосий принципини, яъни «зарур», «уддалайман», «хоҳлайман» шиорига амал қилиш зарурлигини такрорлаш.
2. «Касбий қизиқиш», «мойиллик» тушунчаларини мустаҳкамлаш.
3. Ўқув, меҳнат ва ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларига етакчи қизиқишларни аниқлаш мақсадида анкета сўрови ўтказиш.

Методик тавсиянома

Қизиқиш ва майллар. Қизиқиш деганда одамнинг у ёки бу предметга қаратилган фаол билиш фаолияти тушунилади. Касб танлашга нисбатан олганда қизиқишлар бу одамнинг муайян меҳнат соҳасига ижобий муносабати, унинг билишга ва фаолият кўрсатишга бўлган интилишидир.



Қизиқишлар ўзининг мазмуни, кўлами, узоқ давом этиши ва теранлигига қараб бир-биридан фарқ қилади. Қизиқишларнинг мазмуни ва кўлами одамнинг билим даражасини ҳамда ҳар нарсага қизиқувчанлигини акс эттиради. Қизиқишларнинг теранлиги ва узоқ вақт давом этиши уларнинг барқарорлигини кўрсатади.

Қизиқишлар ўз тараққиёти мобайнида бир нечта босқичдан ўтади. Дастлаб улар вақтинча, эпизодик характерда бўлади ҳамда муайян бир предметга нисбатан ижобий муносабатда намоён бўлади. Бундай қизиқишлар ривожлантириб борилмаса, улар тез орада сусайиб кетади ёки мутлақо сўнади. У ёки бу предметнинг чуқур ва мунтазам равишда ўрганиб борилишига, меҳнат фаолиятининг қизиқилган соҳасига синчковлик билан киришиб кетилишига қараб қизиқишлар мустаҳкамланиб, кучайиб бориши ва аста-секин барқарор қизиқишга айланиб қолиши мумкин. Бундай қизиқишлар кўпинча ўсиб, улғая бориб, майлга — кишининг муайян фаолият билан шуғулланишга бўлган интилишига ҳамда мазкур фаолият турига мувофиқ келадиган маҳорат ва малакаларни такомиллаштириб, доимий равишда ўз билимини ошириб бориш учун интилишига айланади.



Агар қизиқишлар “билишни истайман” деган формула билан ифодаланадиган бўлса, майллар “бажаришни истайман” деган формула билан ифодаланади. ҳайвонлар тўғрисидаги китобларни ўқишга бўлган қизиқиш ҳайвонот боғига бориб туришни яхши кўриш, “ҳайвонот оламида” деб аталадиган телевизион кўрсатувнинг бирортасини қўймай кўриб бориш бошқача, ҳақиқий жониворларни ҳар куни парвариш қилиш натижасида ҳосил қилинадиган бир олам қувонч бошқадир.



Қизиқишларнинг ривожланиш босқичлари



Техник қобилият - техникани эгаллашга ва техника фанларини ўзлаштиришга бўлган қобилият Техникага, техника ижодиётига бўлган қизиқиш, машина ва станокларда асбоблар билан ишлашга интилиш, физика, химия, математика, чизмачилик ва шу кабиларни муваффақият билан ўзлаштириш	Математик қобилият - фикрлашнинг математик методларини эгаллаш қобилияти Математикага бўлган қизиқиш, мантикий фикрлаш, анализ қилиш ва умумлаштириш қобилияти, математик билимларни муваффақиятли эгаллаш ва шу кабилар.	Педогогик қобилият - ўқитиш ва таълим-тарбия бериш мақсадида бошқа бир кишига таъсир кўрсатади. Педагогик фаолиятга қизиқиш; болаларни севиш, болалар коллективини уюштира билиш маҳорати, нутқнинг равон ва ишонтира оладиган бўлиши талабчанлик, хушмуомалалик адолатлилик, холис ниятли бўлиш ва шу кабилар.
--	---	---



Ташкилотчилик Қобилияти қандайдир бир ишни қила олиш ва одамларни уюштира олиш маҳорати Одамлар билан тезда тил топиб кетиш, одам психологиясини тушуниш, одамлар ўртасида меҳнатни тўғри тақсимлай олиш, ўз вазифасини ҳалол бажариш, тиришқоқ бўлиш, ўз хатти ҳаракатларига танқидий қараш ва шу кабилар	Адабий-лингвистик қобилият - адабий фаолиятга, тилларни ўрганиб олишга бўлган қобилият Нутқнинг яхши ўсганлиги, луғат бойлиги ривожланганлиги, тилларни эгаллашга, адабиётни ўрганишга қизиқиши, эшитиб эслаб қолиш хотирасининг кучлилиги, кузатувчанлик, ассоциацияларнинг бой бўлиши ва бошқа шунга ўхшашлар	Санъатга бўлган қобилият - ижодий тасаввурга эга бўлиш, образли фикрлаш қобилияти Рассом учун кўриб тасаввур қилишнинг ёрқинлиги, ранг ва шаклни ҳис қилиш, актёр учун - дикция (талаффуз), мимика (имо-ишора), бошқалар қиёфасига кира олиш қобилия ти, нутқнинг ифодали бўлиши, табиатдаги ва теварак-атрофдаги ҳаётда гўзал нарсаларни кўра билиш
--	---	--

Фаолият кўрсатиш мобайнида кишининг майллари фақат намоён бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга унинг майллари шаклланиб ҳам боради. Шунинг учун меҳнатнинг ҳар хил тури тасодифан дуч келишини кутиб ўтирмай, у ишларга онгли равишда киришиб кетавериш керак. Фақат турли йўналишда олиб борилган фаол фаолиятгина сизга ўз майлларингизни билиб олиш ва синаб кўриш имконини беради.

Шундай қилиб, касбни барқарор қизиқиш, майлга мувофиқ танлаш керак экан.

Мустақил иш.

1. Ўқувчиларнинг касбларга қизиқишлари деганда нимани тушунасиш.
2. Ўқувчиларнинг маълум бир касбга қизиқишида атроф-муҳит, шарт - шароитларнинг аҳамияти.
3. Қизиқишларнинг ривожланиш босқичлари деганда нимани тушунасиш?
4. «Махсус қобилиятларнинг касб танлашга таъсири» жадвалини тушунтиринг ва ҳар бир қобилиятга мисоллар келтиринг.

7 – ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: ПРОФЕССИОНАЛ ҚИЗИҚИШ ВА МОЙИЛЛИКЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мақсад: Талабаларни қизиқиш ва мойиллик ривожланиши босқичларининг тавсифи билан таништириш, касб танлашда ўз қизиқиш ва мойиллигини тўғри баҳолаш кўникмаси ва эҳтиёжини шакллантириш.

Машғулоти жиҳозлаш: «Қизиқишнинг ривожланиш босқичлари» плакати, мавзуга оид слайдлар.

Машғулоти режаси:

1. Бундан аввалги машғулотларда ўтилган материални мустаҳкамлаш.
2. Қизиқишлар ривожланишининг асосий босқичлари тавсифи.
3. Муаммоли савол қўйиш: «Агар одам ўзи қизиқмайдиган иш билан шуғулланса, фақат унинг ўзи эмас, балки умуман жамият зарар кўради. Нима учун?»
4. Талабаларнинг қизиқиш ва мойиллиги фаолиятнинг ҳар хил турларида: меҳнат, ўқиш, ўлкашунослик, спорт, ташкилотчилик ва ҳақозоларда шаклланиши мумкинлиги ҳақида назарий маълумот бериш.

Методик тавсиянома


Профессional қизиқиш ва мойилликларни шакллантиришда ҳамма учун зарур бўлган умумий қобилиятлар (масалан, ижодкорликка бўлган қобилият) ёки жуда кўп касблар ва фаолият турлари учун зарур бўлган қобилиятлар (ташкilotчилик қобилиятлари) айрим касблар ёки нисбатан тор доирадаги касблар учун муҳим ҳисобланган махсус қобилиятлар ҳисобга олинади, масалан, электромеханик релени регулировка қилувчи кишининг қўлларида сезувчанлик жуда яхши ривожланган бўлиши керак, бир хил оҳангдаги қўзғатувчиларга нисбатан бардошлилик — транспорт воситаларини ҳайдовчи киши учун зарур, чизмаларга караб мураккаб буюмлар тайёрлайдиган кишилар учун эса жисмларнинг фазодаги ҳолатини тасаввур қила олиш қобилияти яхши ривожланган бўлмоғи керак. Ҳар қандай касбда ҳам умумий ва махсус қобилиятлар бирга қўшилиб келган тақдирдагина ишнинг муваффақияти таъминланиши мумкин.

Хўш, агар кишида танланган касб учун зарур қобилиятларнинг ҳаммаси бўлмасачи? Бундай ҳолда икки йўл бўлиши мумкин: ё танланган касбни ўзгартириш ёхуд етишмаётган ёки кам намоён бўлган қобилиятлар ўрнини қоплаш йўллари кидириб кўриш керак бўлади. Масалан, хотирада камчилик бўлса, мунтазам равишда ҳар хил ёзувлар олиб бориш, картотека тузиш ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар билан ўша етишмовчилик ўрнини қоплаш мумкин. Жисмнинг фазодаги тасвирини тасаввур этишдаги камчиликларни тўлдириш учун ҳажмли моделлардан фойдаланилади ва ҳоказо. Қобилиятнинг бўш ривожланиши ўрнини қоплаш — бу одатдаги ва зарур ҳодиса бўлиб, агар киши ўз иши соҳасида чиндан ҳам юксак маҳоратни эгаллаши керак бўлса, қўшимча машғулотлар унинг ҳаётида катта ўринни эгаллаши керак.

Мактабда олиб бориладиган фаол ўқув фаолияти сизнинг ҳар бирингизга ўз ақлий қобилиятингизни ва энг аввало тафаккур тиниқлигини, мантиқан тўғри

фикрлашни, тафаккурнинг мустақил ва оригинал бўлишини, топқирликни, чуқур мулоҳаза қилишни, ақлий теранлик ва ўзига танқидий муносабатда бўлишни ривожлантириш имконини беради.

Иродавий сифатларни, яъни: дадиллик, қатъият, интизомлилик, ўзига ва ўз кучига ишониш, ўзини идора қила билиш, оғирвазмин бўлиш сингари фазилатларни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қилиш керак. Мана шу сифатларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб меҳнатга бўлган қобилиятни таъминлайди.



Қизиқиш, майл ва қобилиятларнинг касб танлашга таъсири.

Қизиқишлар, майллар ва қобилиятларнинг касб танлашга кўрсатадиган таъсирини схема тарзида тасаввур қилиш мумкин. Шундай қилиб, ҳар бир киши конкрет фаолият соҳасида ўз қизиқишлари, майллари ва қобилиятларини шакллантириб ҳамда ривожлантириб, танланадиган касбга яхши тайёргарлик кўриб бормоғи керак.

Мустақил иш.

1. Қизиқишлар ривожланишининг асосий босқичлари мазмунини асосланг.

2. Талабаларнинг касбларга қизиқишларни оширувчи омиллар.

3. Бирор касб мисолида «Қизиқиш, майл ва қобилиятларнинг касб танлашга таъсири» схемасини ўрганинг.

8- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: КАСБ ТАНЛАШДА ҚОБИЛИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

Мақсад: Қобилиятларнинг касб танлашдаги аҳамиятини тушунтириш, умумий ва алоҳида қобилиятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, талабаларни меҳнатсеварликнинг қобилиятлар ривожланишидаги аҳамияти тўғрисидаги хулосага олиб келиш. Танланган касбни шахсий қобилиятлари, жамият эҳтиёжлари билан қиёслаш, касбий жиҳатдан муҳим сифатларини тўғри баҳолаш кўникмаси билан қуроллантириш. Касб танлашга мулоҳаза билан ёндашишни шакллантириш.

Машғулоти жихозлаш: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси. «Меҳнат шароитлари таснифи» жадвали.

Машғулоти режаси:

1. Қобилият, умумий ва махсус қобилиятлар тўғрисидаги тушунчани аниқ мисоллар ёрдамида мустаҳкамлаш .
2. Қизиқиш ва қобилиятларнинг ўзаро боғлиқлиги. Меҳнатсеварлик, ирода ва қатъиятликнинг қобилиятлар ривожланишидаги аҳамияти. Қобилиятларнинг эрта ривожланишига, шунингдек балогат ёшида номоён бўлишига мисоллар: Касбнинг инсонга қўядиган умумий талаблари ҳақидаги материалларни такрорлаш.

Методик тавсиянома

Қобилиятлар қизиқиш ва майллар билан маҳкам боғлиқ бўлади ҳамда одамнинг касбга лаёқатини кўрсатувчи белгиларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Хўш, қобилиятнинг ўзи нима? Одамнинг бирор фаолият соҳасида муваффақият қозонишига ёрдам берадиган ҳар қандай индивидуал психологик хусусиятни қобилият деб ҳисоблаш мумкин. Қобилиятни фақат билим ва малакалардан иборат деб ҳисоблаб бўлмайди. Масалан, агар одам ҳидларнинг бир-биридан фарқини яхши билса ва уларни эсда сақлаб қола олса, у ҳолда бундай фазилят химик учун, дегустатор учун, ошпаз ва бошқа шунга ўхшаш касбдаги кишилар учун жуда зарур бўлган қобилият ҳисобланади. Башарти, кишининг хотирасида жуда кўп рақамлар, ҳарфлар, сўзлар ёки ташқи аломатлар яхши (мустаҳкам) сақланиб қоладиган бўлса, у киши мана шу ўз хотирасидаги маълумотларни керак пайтда ишлата олса, у ҳолда бу ҳам жуда зарур фазилят, математикка, программистга, конструкторга ва бошқа шунга ўхшаш касбдаги кишилар учун зарур бўлган қобилият ҳисобланади.

Ҳар қандай фаолият муайян қобилиятлар жамини ишлатишни тақозо этади. Масалан, ветеринария фельдшери ёки шифокор кузатувчан ёки ташаббускор киши бўлиши, чуқур ақлидрокка эга булган чаққон-эпчил одам булмоғи, ўз ишига ғоят ҳалол муносабатда бўлиши керак.

Мустақил иш:

1. Қобилиятларни ривожлантиришда муваффақиятга эришиш учун зарур характер хислатларини айтиб беринг.
2. Турмушдан, тарихдан, кинофильмлардан, бадий адабиётдан меҳнатнинг қобилиятларни ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатувчи мисоллар келтиринг.
3. Сиз танланган касбингиз қайси турдаги умумий ва махсус қобилиятларни талаб қилишини изоҳланг.
4. Касб танлашга онглилик ва мустақиллик деганда нимани тушунасиз?
5. «Меҳнат шароитлари таснифи» жадвалини ўрганинг ва таҳлил қилинг.

9- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.

МАВЗУ: КАСБГА ЯРОҚЛИЛИК

Мақсад: Талабаларни касбга яроқлилик ибораси билан таништириш, касб танлашда ўз имкониятларини тўғри баҳолаш кўникмаси ва эҳтиёжини шакллантириш.

Машғулоти жихозлаш: Плакат, мавзуга оид слайдлар.

Машғулоти режаси:

1. Бундан аввалги машғулотларда ўтилган материални мустахкамлаш.
2. Касбга яроқлилик ибораси тавсифи.
3. Муаммоли савол қўйиш:
4. Яроқсизлик, яроқлилик, мос келиш, ҳавас тушунчалари таърифи.

Методик тавсиянома

Касбга яроқлилик - одам билан унинг иши касби ўртасидаги ўзаро мувофиқликдир. Айни мана шу мувофиқлик бўлган тақдирдагина: “одам — касб” формуласини рўёбга чиқариш имкони туғилади. Мана шундай ўзаро муносабат хусусида тўхталиб ўтамиз.

Ҳар қандай кишининг ўзигагина хос бўлган муайян шахсий фазилатлар, хусусиятлар мавжуд бўлади. Танланаётган касбнинг шахсга нисбатан қўядиган талабларига мана шу шахсий сифатлар қай даражада мос келишига қараб одамнинг у ёки бу касбга яроқлилиги тўғрисида бир қарорга келиш мумкин.

Касбга яроқлиликни тўрт хил даражага бўлиб, уларни бир-биридан фарқ қилиш мумкин.

1. Яроқсизлик (мазкур касбга яроқсизлик). У вақтинча ҳам бўлиши мумкин ёки амалий жихатдан рўёбга чиқмайдиган бўлиши ҳам мумкин. Кишининг саломатлиги ёмон бўлганда, у ёки бу соҳадаги ишга ўша кишининг соғлиғи, шифокорларнинг нуқтаи назарига қараганда тўғри келмайди, деб топилган ҳолларда касбга яроқсизлик тўғрисида гапириш мумкин.

Танланган касбга соғлиқнинг тўғри келмаслиги хусусидаги ушбу группа тўғрисида биз бундан олдинги параграфда муфассал тўхталиб ўтган эдик. Лекин танланган касбга фақат соғлиқ эмас, балки бундан бошқа омиллар ҳам монелик қилиши мумкин. Гап шундаки, бутун бир группани ташкил этувчи бир қатор касблар одамга нисбатан жуда катта талаблар қўяди. У касбларга фақат махсус қобилиятга эга бўлган кишиларгина мувофиқ келиши мумкин. Агар кишида мана шундай махсус қобилият йўқ бўлса, унинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Бундай ҳолларда кишидан ўз касбига нисбатан мутлақо яроқли бўлиш талаб қилинади, деб айтадилар.

Бажарадиган ишлари жараёнида одамларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган, кутилмаган вазиятлар содир бўлиши эҳтимол тўтилган касблар (учувчи, хирург, энергосистемалар оператори ва бошқалар) вакиллари учун ўз касбига ана шундай мутлақо яроқли бўлиш шарти қўлланилади. Санъат билан боғлиқ бўлган касблар тўғрисида ҳам худди мана шу гапларни айтиш мумкин: масалан, агар кишининг тасвирий санъат соҳасида ишлаш учун қобилияти бўлмаса, рассом, архитектор, ҳайкалтарош бўлиб етишиши амри-маҳолдир.

2. Яроқлилик (у ёки бу касб ёхуд группага яроқлилик). Қасбга яроқлиликнинг ушбу даражаси шу билан ажралиб турадики, бунда бирор соҳадаги меҳнатга нисбатан монелик қилувчи омиллар бўлмайди, лекин айти маҳалда кишида мазкур касбга яққол кўзгаташланиб турган майллар ҳам бўлмайди. “Сиз мана шу касбни танлашингиз мумкин. Ажаб эмас, сиз шу соҳада яхши мутахассис бўлиб етишарсиз” - деб тасалли беришади бу касбни танлаган кишиларга. Бу жиҳатдан касбга яроқлилик даражасини ҳам юқоридаги таърифдан билиб олиш мумкин.

3. Мос келиш (у ёки бу фаолият соҳасига одамнинг мос келиши). Бундай ҳолларда одамнинг айрим шахсий фазилатларини кўрсатиб ўтиш мумкин, Бу фазилатлар муайян касб ёки касблар группаси талабларига аниқ (шубҳасиз) мос келади. Масалан, бирор кишида муайян бир соҳада у ёки бу меҳнат объектига масалан, биология, техника ва ҳоказо объектларга нисбатан қизиқиш бўлиши ёхуд бирор соҳада ўзини амалий ишда синаб кўриш вақтида баъзи бир ютуқларни қўлга киритган кишилардаги мувофиқлик, ўз касбига мос келиш бунинг мисолидир. Касбга яроқлиликнинг бу даражасидаги кишиларга нисбатан шундай деб мурожаат қилиш мумкин: “Сиз мана шу касбни танласангиз бўлади, сиз яхши мутахассис бўлиб етишингиз жуда мумкин”.

4. Ҳавас (мазкур касбга, фаолият соҳасига). Ишга ҳаваси (рағбати) бўлган бундай кишини меҳнатчи сифатида инсон тараққиётининг мазкур босқичида касбга яроқлиликнинг олий даражаси деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда гап одамни бошқалардан ажратиб турадиган сифатлар тўғрисида бормоқда. Киши тахминан ўзи билан бир хил шароитда ишлаётган ва ўқиётган тенгдошларидан яққол ажралиб туради. Касбга яроқлиликнинг бундай даражасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Сиз фаолиятнинг шу соҳасида, ҳа, айти мана шу соҳада яхши мутахассис бўлиб етишарсиз”.

Касбга яроқлилик туғма сифат эмас. У меҳнат фаолиятида шаклланиб боради. Меҳнат жараёнида фақат профессионал идрок, хотира ва тафаккур ривожланибгина қолмай, одамда муайян хулқ-атвор типи ҳам, унинг коллективчиликка хос йўналиши ҳам, талабчанлиги ҳам, бурчни англаш ҳисси ҳам, шахснинг бошқа шу сингари фазилатлари ҳам ривожланиб боради.

Мустақил иш:

1. Нима учун инсон касбга яроқлилик даражасини ўрганиб чиқиши лозим?
2. Касбга яроқлилик даражаларини таърифланг.
3. Ўзингиз танлаётган касбингизга қай даражада яроқли эканлигингизни таҳлил қилинг.
4. Талабаларнинг касбга яроқлилик даражаси ҳақидаги материални мустақил ҳолда ўрганиш.

10-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: КАСБ ТАНЛАШДА САЛОМАТЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Мақсад: Касб танлашда саломатликнинг аҳамиятини ҳисобга олиш зарурлигини тушунтириш. Мамалакатимизда ёш авлоднинг соғлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништириш.

Машғулоти жихозлаш: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, мавзуга оид слайдлар.

Машғулоти режаси: Касб танлашда саломатликни аҳамиятини ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида суҳбат. Суҳбат учун саволлар: «Эл соғлиги-Юрт бойлиги» деган иборани қандай тушунасиз? Касб ишловчининг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиш мумкинми? Бу нималарда акс этади? Ўқитувчи ишлайдиган ўсмирлар саломатлигини сақлашга, яъни ишга қабул қилиш вақтида ташқари бажариладиган, тунги ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш маън этилиши ва ҳақозалар тўғрисида сўзлайди (меҳнат кодексидаги ҳуқуқ ва бурчлар).

Ўқувчилар эътибори давлатнинг ёш авлод ҳақидаги ғамхўрлиги улар ғайрат билан ишлашдан қочиш имконияти деб тушунмаслиги кераклигига қаратиш лозим.

Кучи етганда меҳнат қилиш организмнинг ривожига ижобий таъсир этади, кўп касалликларни олдини олиш ва даволаш воситаси ҳисобланади.

Методик тавсиянома

Агар кишининг саломатлиги яхши бўлмаса, у муайян касбда ишлаш учун шикорлар ҳулосаси бўйича яроқли эмас, деб топилган бўлса ўша киши мазкур касбга яроқсиз деб ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, киши мазкур ишни ё мутлақо бажара олмайди, ёки бу иш унинг соғлиғидаги (ҳозирча, балки, унча сезилмайдиган) ўзгаришларни кўпайтириб, дардини кучайтиради.

Кишининг саломатлиги маълум бир касб талабларига мувофиқ келиш-келмаслигини аниқлаш — шифокорнинг вазифасидир. Шунинг учун ҳам ишга ёки ўқув юртига кираётган ҳар бир киши, албатта, тиббий кўригидан ўтади. Лекин кўпинча шундай бўладик, киши ўзининг назарида касб танлаб бўлганидан кейин бундай тиббий кўриги амалга оширилади. Кейин афсусланиб ёки изтироб чекиб юрмаслик учун ўз вақтида шифокор билан маслаҳатлашиб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Касб танлаётган ҳар бир киши организм учун ноқулай деб ҳисобланадиган омилларни билиб олмоғи керак. Бу ҳол унга ўз имкониятларини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Хўш, булар қандай омиллар? Баъзи ҳолларда булар — катта жисмоний нагрузкалар, оптимал микроиклимдан чекинилган вақтлар (ҳароратнинг паст ёки юқори бўлиши) ҳисобланса, бошқа ҳолларда бу омил ортиқ даражадаги чанг-тўзондан, шовқин ва вибрация (тебраниш) дан, учинчи бир ҳолларда эса заҳарли моддаларни ишлатишдан иборат бўлади ва ҳоказо.

Бирор касб танланаётган вақтда медицина кўрсаткичларининг тўғри келмаслиги энг аввало касаллик характери билан белгиланади. Танланган

касбга сизнинг соғлигингиз тўғри келиш-келмаслиги ҳақидаги хулосани фақат шифокор бериши мумкин.

Бироқ, шуни ҳам назарда тутиш керакки, турли касалликларга организмнинг қаршилиқ кўрсатиш имкониятлари жуда катта бўлиб, одам ўзи севган касбини эгаллаш учун бутун ирода кучини ишга солиб касалликни енгиши мумкин.

Ҳар бир киши ёшлигидан бошлаб ўз саломатлиги тўғрисида ўйлаши, гигиена соҳасидаги билимларини, биринчи тиббий ёрдами кўрсатиш малакаларини эгаллаб олиши, соғлом турмуш тарзи билан яшашни ўрганиб олмоғи керак.

Мустақил иш:

1. Касб танлаш вақтида нима учун саломатликни ҳисобга олиш зарур?
2. Касбий касалликлар тўғрисида маълумот беринг.
3. Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олмаслик натижасида келиб чиқадиган касалликлар?
4. Организм учун қандай ишлаб чиқариш омиллари ноқулай омиллар ҳисобланади?
5. Меҳнат шароитининг одам организмига кўрсатадиган таъсири бўйича касбларнинг тўртта гуруҳи ҳақида маълумот беринг.

11-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: КАСБЛАРНИНГ ТИББИЙ ЖИХАТДАН НОМУВОФИҚЛИГИ

Мақсад: Талабаларни касбларнинг тиббий жиҳатдан номувофиқлиги билан таништириш, касб танлашда физиологик жиҳатларни тўғри баҳолаш кўникмаси ва эҳтиёжини шакллантириш.

Машғулоти жиҳозлаш: плакат, мавзуга оид слайдлар.

Машғулоти режаси:

1. Бундан аввалги машғулотларда ўтилган материални мустаҳкамлаш.
2. Касбларнинг тиббий жиҳатдан номувофиқлиги тавсифи.
3. Муаммоли савол қўйиш: «Агар одам ўзи қизиққан касбга тиббий жиҳатдан номувофиқ бўлса, қандай йўл тутиш мумкин? »
4. Касбларнинг тиббий жиҳатдан номувофиқлигига дуч келганда, сиз қандай касбий маслаҳат берган бўлар эдингиз?

Методик тавсиянома

Меҳнат шароитининг одам организмига кўрсатадиган таъсири бўйича касбларни тўрт гурпуага ажратиш мумкин.

Биринчи гурпуага меҳнат шароити маиший касбларга яқин бўлган касблар киради. Мисол тариқасида соат ишлаб чиқариш билан, маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касбларни келтириш мумкин. Бу ишчи касблари ичида энг кўп сонли гурпуадир.

Иккинчи гурпуа касблари, масалан, ошпазлик касби ишлаб чиқариш омилининг мўътадил ёки нотекис таъсир этиши билан боғлиқ бўлган касблардир. Бундай касблар бўйича ишлаган вақтда организмга вақтинча юкори даражадаги ҳаво ҳарорати, намлик ва бошқа шу сингари омиллар таъсир кўрсатади. Бу эса томир уришининг тезлашиб кетишига, тер ажралиб чиқишининг кучайишига сабаб бўлади. Бинобарин, бундай касбларни фақат терморегуляцияси яхши бўлган кишиларгагина, шунингдек, юрак-томир системасида, нафас органларида касаллиги бўлмаган кишиларгагина тавсия этиш мумкин.

Учинчи гурпуага ҳар хил ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг йиғиндиси характерли бўлган касблар киради. Тўқимачи касбини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Юраги, ўпкаси, эшитиш органлари, таянч ҳаракат аппарати касал бўлган (ёки касаллик аломатларига мойиллик сезилган), кўзи яхши кўрмайдиган кишилар учун бу касб тўғри келмайди.

Тўртинчи гурпуа оғир ва зарарли меҳнат шароити билан боғлиқ бўлган касблардан иборатдир. Масалан, электр пайвандчи, пўлат куювчи ва бошқалар ана шундай касблар каторига киради.

Бизнинг давлатимиз ҳар бир кишининг соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилади, касб касалликларининг олдини олиш бўйича тадбирлар системасини амалга оширади. Ишчиларга бир қатор енгилликлар яратиб берилган ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда касб-ҳунарларнинг рўйхати белгилаб чиқилган ва тасдиқланган. Мана шу рўйхатга кирган касбда ишловчи кишилар тегишли имтиёзлардан фойдаланадилар: улар учун қисқартирилган иш куни, қўшимча отпускаи, пархез таомлар, 45—50 ёшдан бошлаб пенсия билан таъминлашпи ҳуқуқи ва бошқа шу сингари имтиёзлар берилган.

Организмни чиниқтириш, спорт билан шуғулланиш, меҳнат ва дам олиш, овкатланиш режимиға риоя қилиш, ўз бўш вақтини оқилона ташқил этиш ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар жисмоний жиҳатдан бақувват ва соғлом бўлиб ўсишнинг зарур шартларидир. Соғлом бўлиб ўсишни истаган киши спиртли ичимликлар ичиш, чекиш ва гиёҳвандлик қилиш сингари ярамас одатлардан батамом воз кечиши керак, албатта. Чунки улар организмға ниҳоятда зарарли таъсир кўрсатади: соғлиқни ишдан чиқаради, қизиқиш доирасини торайтиради, ақлий фаолликни пасайтиради ва, ниҳоят, шахсни таназзулга олиб келади.

Мустақил иш:

- 1). Муаммоли савол қўйиш: «Агар одам ўзи қизиққан касбға тиббий жиҳатдан номувофиқ бўлса, қандай йўл тутиш мумкин? » саволиға жавоб беринг.
- 2). Инсон организмға салбий таъсир қиладиган омиллар шароитида ишлаган ишчиларға кўрсатиладиган ёрдамчи факторлар ҳақида маълумот беринг.
- 3). Тиббий жиҳатдан номувофиқ келадиган касб билан шуғулланишға тўғри келиши мумкин бўлган шароитларда сиз қандай йўл тутасиз?

12- ЛАБОРОТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: ИШЧИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Мақсад: Талабалар мамлакатимиздаги ишчи касбларини эгаллаш йўллари билан таништириш. Ишчилар синфининг жамиятда тутган ўрнини ёритиш. Касбий тайёргарлик кўришнинг турли йўлларининг афзалликлари ва камчиликларини баҳолаш кўникмасини шакллантириш.

Машигулотни жиҳозлаш: Олий ўқув юртлари тўғрисидаги маълумотлар. Касб-хунар коллежларига қабул тўғрисидаги варақа эълонлар. Таснифлагич. «Касб танлашнинг оптимал шартлари» жвдвали.

Машигулот режаси: Касб-хунар коллежлари вакилининг ўқувчилар олдида чиқиши. Касб хунар коллежининг таълим тизимининг вужудга келиши тарихи, касб хунар коллежида ўқитишнинг хусусиятлари, унга қабул қилиш қоидалари, ўқувчилар учун имтиёзлар ҳақида баён қилиш.

Туман касб хунар коллежлари-эгалланадиган касблар, шу тумандаги корхоналар, ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш хусусиятлари.

Ишчилар малакасини ошириш ва уларнинг узлуксиз таълими тизими ва шакллари ҳақида ахборот бериш.

Ишлаб чиқариш таълимнинг моҳияти ва хусусиятлари; мураббийлик; индивидуал ва устоз шогирд таълимининг шакллари:

Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлашнинг афзаллиги ва камчиликлари.

Методик тавсиянома

Умумтаълим ўрта мактабини тугатгандан кейин сизларнинг ҳар бирингиз: энди қаерга кириб ўқиш керак, касб таълимини қаерда давом эттириш мумкин? — деган масалани ҳал қилишингиз керак бўлади.

Сиз ўрта умумтаълим мактабининг VIII-IX синфларида ўқиб юрган вақтингизда ўзингиз танлаган соҳадаги оммавий ишчи касбларидан бирини эгаллаб олишингиз мумкин. Ўқув муассасси атрофида корхонасидаги махсус жиҳозлаб қўйилган иш жойида касбга оид билим олишингиз, маҳорат ва малака ҳосил қилишингиз мумкин. Булар мактабни тугаллаётганингизда сизга малака разряди олишда зарур бўлади.

Мактабда ўрганилган касбни кейинчалик корхоналарда ишлаш жараёнида ёки касб-хунар коллежларининг ўрта умумтаълим мактабларини битириб чиққач ёшлар учун очилган бўлимларида ўқиб такомиллаштириш, малака ошириш мумкин. Кўпгина касблар узок муддат махсус тайёргарликни талаб қилади. Бундай касбларга ўргатиш касб-хунар коллежларида амалга оширилади. Улар 3-4-разрядли малакали ишчиларни тайёрлайди. Касб-хунар коллеж ўқувчилари ишчи мутахассислиги билан бирга умумий ўрта маълумот тўғрисида аттестат ҳам оладилар.

Касб-хунар коллежларга қабул тўлиқсиз ўрта умумтаълим мактабини тўгатганлик тўғрисидаги шаҳодатномага қўйилган баҳолар бўйича конкурс тарзида танлаб олиш йўли билан амалга оширилади. Бунда ўқишга кираётган ўсмирнинг у ёки бу касбда ишлаши соғлиғига тўғри келиш-келмаслиги ҳам ҳисобга олинади.. Ўқишда ва жамоат ишларида ўзини кўрсатган илғор ўқувчилар учун ҳар хил мукофотлар ва стипендиялар (шу жумладан, Касаба уюшмалари Марказий Кенгаши махсус стипендиялари) тайинланади. Ўқиш

даврида, ишлаб чиқариш практикасида қилинган ишлар учун ўқувчиларига иш ҳақи тўланади.

Касб-хунар коллежларда ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг бошланғич ташкилотлари, илмий жамиятлар, тўғараклар, спорт секциялари ва шу кабилар иш олиб боради. Касб-хунар коллежларга ўқувчилари томонидан киритилган рационализаторлик таклифлари кўпинча корхоналарда ишлаб чиқаришга жорий этилади ҳамда сезиларли даражада иқтисодий самара беради.

Касб-хунар коллежларни битириб чиққан ёшлар олган касблари ва мутахассисликларига мувофиқ келадиган иш билан таъминланадилар. Билим юртида ўқиган вақтлари уларнинг умумий меҳнат стажига киради.

Касб-хунар коллежларда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун ўрта бўғиннинг малакали мутахассисларини тайёрлаш амалга оширилади. Бундай касб-хунар коллежларига техникумлар, педагогика, медицина, музика, бадий-рассомлик ва бошқа билим юртлари киради. Касб-хунар коллежларни битириб чиққан ёшлар халқ хўжалигимизда энг кўп сонли мутахассислар отрядини ташкил қилади. Улар бригадаларга, участкаларга, сменаларга, бўлимларга ва ишлаб чиқаришнинг бошқа бўғинларига раҳбарлик қиладилар, мураккаб ускуналарга ва автоматлаштирилган системаларга хизмат кўрсатадилар, ишлаб чиқаришнинг технологик тайёргарлигини амалга оширадилар.

Касб-хунар коллежларда ўқиш муддати 3 йил.

Олий ўқув юртлари халқ хўжалигининг барча тармоқлари: саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, соғлиқни сақлаш, маданият, халқ маорифи ва бошқа тармоқлар учун кенг профилдаги олий маълумотли мутахассислар тайёрлайди. Олий ўқув юртларига университетлар, институтлар, академиялар, консерваториялар киради. Олий ўқув юртларида ўқиш муддати 4 йил бакалаврият, 2 йил магистратура.

Олий ўқув юртларига қабул конкурс тест натижалари бўйича амалга оширилади. Армия сафида хизмат қилиб қайтган ёшларга ҳарбий қисм томонидан ўқишга йўлланма олган кишилар белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар (20-25% максимал балдан қушимча бал берилади). Олий ўқув юртига кириш вақтида касбга йўллаш мақсадида энг муносиб ёшларни танлаб олиш учун улар билан суҳбат ўтказилади.

Юқорида санаб ўтилган ўқув юртларининг барча типлари тўғрисида махсус справочниклардан, мактабдаги, база корхонасидаги касб танлаш марказлари ва хоналарида, шунингдек мазкур ўқув юртининг бевосита қабул комиссияларидан муфассал ахборот олиш мумкин.

Мустақил иш.

1. Касб эгаллашга таъсир қиладиган омиллар?
2. Қандай касб сиз танлаган касб тайёргарлиги соҳасига мувофиқ келади?
3. Сиз танлаган касб бўйича қаерда таълим олиш мумкин?
4. Сиз яшаб турган шаҳар ёки туманда қандай касб хунар коллежлари ва академик лицейлар мавжуд?
5. Устоз-шогирд таълими деганда нимани тушунасиз?
6. «Касб танлашнинг оптимал шартлари» схемасини ўрганинг.

13 – ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ

Мақсад. Талабаларни ўрта махсус ва олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш тизимии билан таништириш. Маълумот даражаси ҳар хил мутахассисларнинг халқ хўжалигидаги ўрнини кўрсатиш.

Машғулоти жиҳозлаш.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Давлат таълим стандартлари», «Олий ўқув юртлари жадваллари». Ахборотномадаги олий ўқув юртлари ҳақида маълумотлар.

Машғулоти режаси.

1. Ўқувчиларни ўрта махсус касб ҳунар таълими тизимии билан таништириш. Ўрта махсус, касб – ҳунар таълимининг типлари (коллежлар, академик лицейлар, техникумлар); улардаги таълимнинг хусусиятлари.

2. Ўқувчиларни олий таълим тизими билан таништириш. Ёритиладиган масалалар: турли типдаги олий ўқув юртларининг (университетлар, академиялар, консерваторияларнинг) ўзига хос хусусиятлари; халқ хўжалигининг олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёжи.

Методик тавсиянома

Республика Олий мажлиси томонидан 1997 йилнинг 29 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунида ўқувчиларнинг касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик маслаҳат марказлари тармоғини яратиш кўрсатмаси берилган. Бу қонунни бажариш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори билан Халқ таълими Вазирлиги қошида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис Маркази тузилди. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташҳис марказининг филиаллари ҳуқуқида ҳудудий марказлар ташкил этилди.

Мамлакатдаги касб-ҳунарга йўналтириш соҳасида умумдавлат сиёсати ўтказиш имконини берувчи умумдавлат концепциясини ишлаб чиқилди. Бу концепция асосида касб-ҳунарга йўналтиришнинг нафақат Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимидаги, балки мамлакатнинг барча ижтимоий тузилмалари миқёсидаги низомни ишлаб чиқилди. Олти ёшли болаларни умумий ўрта таълим мактаблари биринчи синфларига қабул қилишнинг қатъий ва ота-оналар учун қулай тизимини ишлаб чиқилди. Мактабгача муассасадан мактабга вақтидан илгарироқ ўтишнинг бола организмга жисмоний ва психик зарарлари ҳақидаги режавий тушунтириш тадбирларининг йўналишларини ишлаб чиқилди. Кўриб чиқиладиган муаммолар юзасидан ҳар йили республика миқёсида илмий-амалий конференция ва семинарларни тайёрланмоқда ва ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “таълим тўғрисидаги” Қонуни, “кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори асосида қабул қилинган давлат таълим стандартига кўра, **меҳнат таълими** ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, яқиний натижада меҳнат қуроллари, восита ва жараёнлари ҳақидаги билимларни ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарур амалий кўникма ва малакаларни эгаллашларига, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифат ва тафаккурларни ривожлантиришга қаратилган ўқув фани деб таърифланади.

Мустақил иш.

1. Ўзбекистон республикаси таълим стандартлари билан танишиш.
2. Қандай олий ўқув юртлари ва ўрта махсус касб хунар коллежларини биласиз ва уларда қандай мутахассислар тайёрланади?
3. Халқ хўжалигининг олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёжи.

14-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: ПРОФЕССИОНАЛ РЕЖА ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА

Мақсад: Талабаларга «касбий режа» тушунчасини ёритиш, уларни онгли равишда касб танлаш зарур деган хулосага олиб келиш.

Машигулотни жиҳозлаш: Ўзбекистон Республикаси конституцияси.

Машигулот режаси: Касбий режа тушунчасини изоҳлаб бериш:

Мустақил мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда ҳар бир ходимнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлиши зарур. Меҳнат аҳли бутун халқнинг ҳурматиға, обрў этиборига сазавор бўлишини ифодаловчи мисоллар келтиринг.

Ўқувчилар билан «Касбни инсонга кўядиган талаблари» мавзуси бўйича ўрганилган материалларни такрорлаш.

Ўқувчи уларни инсоний бахтнинг асосий манбаи-жамиятга фойдали бўлишга интилишда, ўзининг қобилиятларини ижтимоий фойдали меҳнатда тўла-тўқис намоиш қилишда деган хулосага олиб келади.

Методик тавсиянома

Касбга доир режанинг ягона бир шаклини тавсия этиш қийин унинг мазмуни ҳам, тузилиш йўли ҳам кишининг ақл - идрокиға, унинг умумий билим савиясига, эътиқоди ва бошқа кўп нарсаларға боғлиқ бўлади. Шунинг учун биз мана шу айтилган омилларнинг фақат энг асосийси устида, албатта, кўрсатилиши шарт бўлган омил тўғрисида тўхталиб ўтамыз.

Кўзда тутилган асосий мақсад режанинг негизини ташкил этиши керак, яъни унда нима иш билан шуғулланиш, ким бўлиб етишиш, умумхалқ ишиға қандай ҳисса кўшиш, бу ишда кимларға тенглашиш ўз аксини топмоғи керак. Шундан кейин мазкур мақсадға эришмоқ учун ҳар бир киши ўз имкониятларига: қизиқишлари, майллари ва қобилиятларига, саломатлигига, иродавий сифатларига реал баҳо беришға ҳаракат қилиб кўриши зарур.

Касбга доир режа тузиш вақтида мақсадға эришиш йўллари ва воситаларини: ўз кучини қаерда ва қандай қилиб синаб кўриш мумкинлигини, керакли маълумотни қайси ўқув юртларида олиш мумкинлигини, касб маҳоратини қандай қилиб ошириш мумкинлиги ва ҳоказоларни белгилаб олиш керак.

Ўз мақсадингизға етишиш йўлида учраши мумкин бўлган қийинчиликларни ҳам олдиндан кўра билиш керак, бу беҳуда изтироб чекишнинг олдини олиш ва мабодо зарур бўлиб қолса, танланган касбни бошқаси билан алмаштириш имконини беради.

Касбга доир режада кишининг ўз-ўзини тарбия қилиш дастури: профессионал жиҳатдан муҳим бўлган қандай фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, ўз соғлиғини қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкинлиги ва бошқа шу сингари тадбирлар ҳам ўз ифодасини топиши керак. Ўз билимини мустақил ошириб бориш ўз устида ишлаш масалаларига ҳам: қандай адабиётни ўқиш, қандай тўғаракларда ёки қизиқиш бўйича тузилган группаларда шуғулланиш, қандай кўргазмаларни бориб кўриш сингари масалаларға ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Мустақил иш.

1. Касбий режа деганда нимани тушунаси?
2. Ўқувчилар касбий режа тузишларида нималарга эътибор беришлари керак?
3. Бирор бир касб мисолида касбий режа тузинг.

15-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: ПРОФЕССИОНАЛ РЕЖАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Мақсад: Касбий режа тузиш кўникмасини ҳосил қилиши. Шахснинг муҳим касбий сифатлари шаклланишида ўзини ўзи тарбиялашнинг аҳамияти ҳақида тушунча бериш.

Машигулотни жихозлаш: Плократ схемаси.

Машигулот режаси:

1. Ўқувчиларни ўз касбий режасини тузишнинг тахминий варианты билан таништириш.
2. «Ўзини ўзи тарбиялаш» тушунчасини, шахснинг муҳим касбий сифатлари шаклланишида ўзини ўзи тарбиялашнинг ролини изоҳлаш. Ўзини ўзи тарбиялаш усуллари: Ўзини ўзи ишонтириш, эътиқод, машқ қилиш ва ҳақозолар ҳақида сўзлаб бериш.
3. Шахснинг шаклланишида ўзини ўзи баҳолашнинг роли тўғрисида ўқитувчининг ҳикояси. Талабаларнинг ўзини ўзи баҳолаш усуллари: ўзини ўзи таҳлил қилиш, ўзига ўзи ҳисоб бериш, кузатиш билан таништириш.

Методик тавсиянома

Ўқувчилар касб танлаш формуласини қандай тузиш, ўз қизиқиш, майл, қобилиятлари қандайлигини билиб олиш, бу фазилатлар улар тунлайдиган касб қўядиган талабларга қанчалик мувофиқ келишини таққослаб кўриш тўғрисида тасаввур ҳосил қилганларидан сўнг, касб танлаш масаласини ҳал қилиш вақтида улардан фойдаланишлари мумкин.

Энди улар ўз меҳнат фаолиятларини яқин келажақда ва узоқ истиқболда қандай тасаввур этишларини қоғозга туширишга ҳаракат қилишлари, шахсий касбга доир режарежаларини тузиб чиқишлари мумкин.

Шахсий касбга доир режалар яхши ва ҳар томонлама ўйланган бўлиши керак, уларни тузиш вақтида ҳар бир киши мустақиллик кўрсатиши ва масъулиятни ҳис этиб туриши лозим.

Тузилган касбга доир режага вақт-вақти билан мурожаат қилиб туриш керак бўлади. Қизиқишлар чуқурлашиб, касб тўғрисидаги билимлар ортиб, амалий фаолият соҳасида муайян тажриба тўрежаишига қараб режа ҳам ўзгариб бориши, у анча реал режага айлантирилиши мумкин.

Қуйида мисол тариқасида касбга доир режанинг фрагменти қандай ўзгариб бориши мумкинлигини келтириб ўтамиз. Бу ўзини қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш билан боғлиқ бўлган ишга бағишлаган кишининг режасидир:

- биология ва қишлоқ хўжалик экинлари (сабзавотчилик) агро-техникасига оид адабиётларни ўқиб-ўрганиш;
- биология ва қишлоқ хўжалик экинлари агротехникасига доир қизиқарли китоблар ва мақолалар номини тўплаб картотека тузиш, мазкур масалага доир китобларни йиғиб кутубхонача ташкил этиш;
- ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси далаларида ишлаб, мўл ҳосил олинишига эришиш;

- сабзаёт экинлари етиштириш соҳасидаги иш тажрибалари юзасидан жамоа хужалиги (фермер) мутахассисларидан, илмий муассасаларнинг ходимлари ва олимларидан топшириқлар олиш учун улар билан алоқа ўрнатиш;
- бошқа мактабларнинг ёш табиатшунослари билан тажриба алмишиш.

Мустақил иш:

1. Сизнинг ўқиш ва меҳнатдаги мувоффақиятларингиз ўз қобилиятингизга мувофиқми?
2. Сиз ўзингизда муҳим касбий сифатларни таркиб топиши учун нималар қиялпсиз?
3. Сиз кимдан ўрнак олялпсиз? Каби саволларга ёзма ҳисобот тайёрлаш?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасида ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш концепцияси.–Т.:Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази,2002. 12б.
3. Болтабоев С.А. Толипов Ў. Умумий ўрта таълим мактаблари касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети фаолиятини ташкил қилиш бўйича методик тавсиянома. –Тошкент, 2000. 36 б.
4. Давлатов К., Воробьев А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 318 б.
5. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. –Тошкент: Фан, 2004. -127 б.
6. Муслимов Н.А., Қўйсенов О. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. –Т.: ТДПУ, 2006. 47 б.
7. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури. Таълим тараққиёти журнали 4-махсус сон. «Шарқ» 1999 йил.
8. Жўраев Р.Ж., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари.- Тошкент.: «Фан», 2004 йил.
9. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Холматов П.Қ. Дарсдан ташқари Машғулотлар жараёнида ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш технологияси. –Тошкент: ЎзПФИТИ. 2004. 31 б.
10. Муслимов Н.А., Муллахметов Р.Г. Касб танлашга йўллаш. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ОЎМТВ, 2007. 186 б.
11. Шарипов Ш.С., Давлатов К., Насриддинова Г.С. Касб танлашга йўллашнинг илмий-педагогик асослари. –Тошкент: ОЎМТВ, 2007. 138 б.
12. Гайбуллаев Н. Касб психологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент, ОЎМТВ. 153 б.